

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ақлсизлик
доимо қаҳру
газабга,
ўчакишишга
йўл очади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@mail.uz

QR-коднинг ўқиш учун QR-коднинг
фонини сканер қилинг

2020-yil 14-yanvar, seshanba, 05 (23.285)-son

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

13 январь кун халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи қаҳриқ биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлигининг бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари қатнашди.

Сессияга 37-Султонобод сайлов округидан депутат Ф.Тошев раислик қилди.

Дастлаб вилоят сайлов комиссияси раиси С.Нуриевнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Шундан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг регламенти ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Депутатлар халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш ҳамда вилоят Кенгашидаги доимий комиссияларни тузиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган 16 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган 14 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган 11 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 10 нафар ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясидан сайланган 9 нафар депутатдан иборат партия гуруҳлари ташкил этилди.

Шунингдек, Кенгашининг еттита доимий комиссияси тузилди.

Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тadbirkorликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раислигига 13-Килдон сайлов округидан депутат Феруз Насруллаев;

Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича комиссия раислигига 5-Сартепа сайлов

округидан депутат Шоҳруҳ Жўрақулов; Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раислигига 58-Жозмон сайлов округидан депутат Мирзо Ихтиёров;

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссия раислигига 6-Меҳробод сайлов округидан депутат Сўхроб Рафиқов;

Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия раислигига 15-Дехқонобод сайлов округидан депутат Ўктам Саидмуродов;

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссия раислигига 14-Мингчинор сайлов округидан депутат Бахтиёр Абдуллаев;

Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича комиссия раислигига 23-Қўшработ сайлов округидан депутат Шавкат Жониқулов сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Молия вазири Жамшид Қўчқоров Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига 2-Афросиёб сайлов округидан депутат Турдимов Эркинжон Оқбўтаевич номзодини халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида тасдиқлаш тўғрисида тақдимнома киритилганлигини билдирди ва уни ўқиб эшиттирди.

Сўнгра мазкур масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиялар гуруҳ раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Депутатлар Турдимов Эркинжон Оқбўтаевич номзодини қўллаб-қувватлаб, уни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тасдиқладилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қўшма мажлиси Маслаҳат Кенгаши аъзолигига номзод тавсия этилди.



Берилаётган имтиёз ва яратилаётган шароитлар

ҳарбийликка ҳавасни, уларнинг ғайрат ва шижоатини юксалтирмоқда

Ҳарбийларга қандай имтиёзлар берилган? Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар самараси қандай бўлмоқда?
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм командир ўринбосари Руслан РАШИДОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

– Суҳбатимиз аввалида байрам олдидан Марказий ҳарбий округ, хусусан, вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача айтиб ўтсангиз.

– Ватан ҳимоячилари кун бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўзгача бир кайфиятда нишонланмоқда. Қайд этиш лозимки, ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тadbirkorлари "Армия ва халқ – бир жону бир тан" шиори остида ташкил қилинмоқда.

Хусусан, шу пайтгача барча шаҳар ва туманларда ҳарбий парад ва фестиваллар бўлиб ўтди. Бу тadbirkorларда Қуролли Кучларимизда фойдаланилаётган қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар, моддий-техник воситалар кенг жамоатчиликка намойиш этилди. Қайсики, одамларимизга

сарҳадларимиз, осуда ҳаёт кафолатини таъминлангани жонли кўрсатилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар таълим муассасаларида бўлиб, ҳарбийликнинг шарафли, шу билан бирга машаққатли ҳаёти тўғрисида батафсил маълумот беришди. Ёшларнинг соҳага оид саволларига жавоб қайтаришди.

Бугун хизмат давомида юқори кўрсаткичларга эришган ҳарбий хизматчилар муносиб тақдирланади, айрим ҳарбий хизматчиларга навбатдаги унвонлар берилди. Бундан ташқари, айнан байрам кун Марказий ҳарбий округ ҳудудида хизмат олиб бораётган 120 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчига янги қурилган кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг калити топширилади.

2-саҳифа >>>

Кўмондон ва фахрийлар учрашуви

Тadbirkorда жорий йилнинг 10 январь кун Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида белгиланган вазифалар, яъни ҳозирги ахборот маконидаги қарам-қаршилик, инсонлар, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган даврда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани қайд этилди. Суҳбат давомида, ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, худудлардаги уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни касбга йўналтиришда фахрийларнинг ўрни катта эканлиги айтилди.

Марказий ҳарбий округ кўмондони, полковник А.Саидов, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳ.Нормуродов Ўзбекистоннинг халқро миқёсда обрў-эътибор қозониши, нуфузининг ошишида миллий армиямиз қудрати, chegarаларимиз дахлсизлиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Тadbirkorда округ кўшинлари кўмондони Жиззах, Навоий вилоятларидан келган фахрийларга байрам муносабати билан диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Сана муносабати билан Каттақўрғон шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган маънавий-маърифий тadbirkorда эса ҳарбийлар ҳаёти, уларнинг сарҳадларимизни химоя қилишда кўрсатаётган жасоратлари ҳақида сўз юритилди.

А.ТЕМИРОВ.



«Саховат» ва «Мурувват» уйидагилар энди янгича шароитда яшайди

Бу уйда яшовчи кексалар ҳаёти йўлларининг ўз тарихи бор, ҳар бирининг юрагида дарди бор. Улар билан суҳбатлашсангиз тўқилмаган ҳаётнинг, ибрат оладиган талай воқеаларни эшитасиз, дилингизда нимадир «чирт» этиб узилгандай бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўнглида яхшилик қилиш истаги бўлган инсонлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олади, қўлдан келганча ёрдам беради.

Бу сафар ушбу уйда истикомат қилувчилар давлатнинг улкан ғамхўрлигини яна бир қарра ҳис қилдилар. Самарқандда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар интернат-уйида яшовчилар учун барпо этилган янги бино фойдаланишга топширилди. 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 50 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона, кинохона, бассейн, кир ювиш хонаси қурилди, замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Рухиятида бузилиш бўлган 446 нафар, яққа-ёлғиз, имконияти чекланган, ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизлар истикомат қилаётган мазкур «Мурувват» уйининг янги биноси қурилишига 32,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, унда яшовчилар учун барча қулайликларга эга ошхона, ювиниш хоналари, спорт зали қурилди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

30 1990 2020
Овози Самарқанд

Қайноқ ҳаёт солномаси

Ҳар гал мен учун кадрдон бўлиб қолган вилоят Матбуот уйига кирар эканман, эшик олдида навбатчилик қилиб турган укаларимдан газета сўрайман. Улар орасида, албатта, «Овози Самарқанд» ҳам бўлади...

Яна табиий газ муаммоси

Икки кундан буён ёққан қор туфайли ҳаво совиб, аҳоли хонадонларида газ босими пасайиб кетди. Бу эса айниқса, Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли хонадонларда яшовчиларнинг асосий муаммосига айланди...

